



FARG'ONA VILOYATI BUVAYDA TUMANI HOKIMINING QARORI

2023 - yil 18 - avgust

138-11-154-Q/23

Buvayda tuman hokimligi

Фарғона вилояти Бувайда тумани маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун бюджет сўрови ва 2024-2025 йиллар учун бюджет мўлжалларини тузиш ва уни Фарғона вилояти Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 90-94-моддаларига мувофиқ ҳамда Фарғона вилояти ҳокимининг 2022 йил 25 июлдаги 236-11-0-Q/23-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 85-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 12 апрелдаги 03/03-03-01-32/855-сонли хати билан 2023-2025 йиллар учун Давлат бюджети лойиҳасини шакллантириш учун ишлаб чиқилган Ўрта муддатли бюджетни тайёрлаш бўйича ягона услубий қўлланма маълумот ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 90²-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 03/03-03-01-32/2314-сонли хати билан Фарғона вилоят Бувайда тумани маҳаллий бюджетининг 2023 йилги маҳаллий бюджетларига ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдори 139,3 млрд.сўм ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Бувайда туман иқтисодиёт ва молия бўлими (А.Эргашев)га:

икки иш куни ичида 2023 йил учун бюджет сўрови ва 2024-2025 йиллар учун бюджет мўлжалларини тузиш тартибини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга;

уч иш кунида Бувайда туман маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга — келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини етказилишини таъминласин.

4. Фарғона вилояти Бувайда тумани маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун бюджет сўрови ва 2024-2025 йиллар учун бюджет мўлжалларини тузиш ва уни Фарғона вилояти Иқтисодиёт ва молия бош бошқармасига тақдим этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳи) таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Фарғона вилояти Бувайда тумани маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан 2023 йил учун бюджет сўрови ва 2024-2025 йиллар учун бюджет мўлжалларини Бувайда тумани иқтисодиёт ва молия бўлимига тақдим этиш муддатлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ишчи гуруҳи раҳбари (Д.Мирзахалилов)га Фарғона вилояти Бувайда тумани маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун бюджет сўрови ва 2024-2025 йиллар учун бюджет мўлжалларини тузишда лойиҳани тақчиллик билан ишлаб чиқишга йўл қўйилмаслигини назарда тутсин.

7. Фарғона вилояти Бувайда тумани Давлат солиқ инспекцияси (Т.Арзиматов):

туман бўйича 2023 йил учун бюджет даромадлари прогнозини ишлаб чиқишда:

Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир тақлифлар ҳамда давлат солиқ органлари ва ҳокимликларнинг бўлимлари, вилоят, бошқарув органларининг бўлинмалари томонидан маъмурий-ҳудудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа ахборот асосида солиқ турлари кесимида ишлаб чиқиб, туман ҳокимлигига жорий йилнинг 25 июль куни қадар тақдим этилишини таъминласин.

8. Бувайда тумани иқтисодиёт ва молия бўлими Фарғона вилояти Бувайда туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун бюджет сўрови ва 2024-2025 йиллар учун бюджет мўлжалларини жорий йилнинг 26 июль кунига қадар Фарғона вилояти Иқтисодиёт ва молия бош бошқармасига тақдим

ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАСИН.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бувайда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Мирзахалилов зиммасига юклансин.

Tuman hokimi



Odiljonovich I. B.

Buvayda tuman hokimining
2023-yil 18-avgustdagi
138-11-154-Q/23-son qaroriga
1-ilova

Туман ҳокимининг
2023 йил «__» ____ июлдаги
____ сонли қарoriga
1-илова

Туман маҳаллий бюджетининг келгуси 2024 йил учун Бюджет сўрови ва
2025-2026 йиллар учун бюджет мулжалларини тузиш бўйича

И Ш Ч И Г У Р У Х Т А Р К И Б И

Д.Мирзахалилов	Туман хокими ўринбосари–Ишчи гуруҳ раиси.
А.Эргашев	Туман иқтисодиёт ва молия бўлими мудир в.в.б.– Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари.
Т.Арзиматов	Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи –Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари.
Ишчи гуруҳ аъзолари:	
А.Рахмонов	Туман Ветеринария бўлими бошлиғи
Н.Турсунов	Туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи
М.Исроилов	Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи.
Э.Турсунов	Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш бўлими
Б.Мамажонов	Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.
М.Махмудова	Туман Маданият ва туризм ишлари бўлими бошлиғи
М.Мўминов	17-сонли болалар мусика ва сўнат мактаби директори
С.Тусматов	Туман Кишлоқ хужалиғи бўлими бошлиғи
М.Собиров	Туман Иқтисодиёт ва молия бўлими мудир ўринбосари ишчи гуруҳи котиби.

*Ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган ҳолларда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёхуд ушбу лавозим вазифаларини бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади

Buvayda tuman hokimining
2023-yil 18-avgustdagi
138-11-154-Q/23-son qaroriga
2-ilova

Туман ҳокимининг

2023 йил «__» ____ июлдаги

____сонли қарoriga

2-илова

Туман маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган бюджет
ташкилотларининг келгуси 2024 йил учун Бюджет сўрови ва 2025-2026 йиллар
учун бюджет мулжалларини тузиш бўйича Иқтисодиёт ва молия бўлимига
буюртмалар бериш муддатлари

№	Муассасалар номи	Белгиланган муддат
1.	Бувайда туман Ҳокимлиги	26 июл
2.	Ветеринария бўлими	26 июл
3.	Ветеринария озиқ-овқат маҳсулотлари ташҳиси бўлими	26 июл
4.	Ободонлаштириш бошқармаси	26 июл
5.	Туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими	26 июл
6	Камбағалликни қисқартиририш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўлими	26 июл
7.	Болалар-ўсмирлар Спорт мактаби,	26 июл
8.	17-сонли болалар муסיқа мактаби.	
9.	Туман Тиббиёт бирлашмаси,	26 июл
10.	Маданият ва туризм бўлими	26 июл
11.	Ёшлар ишлари агентлиги	26 июл
12.	Қишлоқ хўжалиги бўлими	26 июл
13	СЕОМ бўлими	26 июл
14	Ахборот кутибхона бўлими	26 июл

15	Иқтисодиёт ва молия бўлими	26 июл
16	Иригацисия бўлими	26 июл
17	Халқ Депутатлари Бувайда тумани Кенгаш котибияти	26 июл
18	Фермерлар хисоботини юритиш маркази	26 июл